УДК 811.111

НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИНТЕГРАТИВ ТОПШИРИҚЛАР

(Ижтимоий-гуманитар йўналишлар мисолида)

У.С. Низамова

Мақолада нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижодкорлигини ривожлантирувчи интегратив топшириқларни бажариш методлари (ихтирочилик масалалари, синектика методи, ситуатив-коммуникатив машқлар)нинг қўлланилиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, таълим жараёнида ситуатив-коммуникатив, муаммоли вазият, машқларнинг қўлланилиши, ижодкорликни оширувчи педагогик омиллар, мезонлар таҳлил этилган, ушбу мезонларга асосланиб тузилган дидактик ўйин модели кўрсатилган.

Калит сўзлар: *интегратив, ИФШ-ИМЕН, синектика, ситуатив-коммуникатив, когнитив мустақиллик.*

В статье рассматривается применение методов выполнения интегративных заданий (изобретательские задачи, метод синектики, ситуативно коммуникативные упражнения), развивающих креативность студентов направления нефилологического образования. Кроме того, в образовательном процессе указаны ситуационно коммуникативная, проблемная ситуация, применение упражнений, педагогические факторы, повышающие креативность, критерии, а также дидактическая игровая модель, составленная на основе этих критериев.

Ключевые слова: *интегративный, ФТМ-ТРИЗ, синектика, ситуационно-коммуникативный, когнитивная независимость.*

Кириш

Таълим жараёнида талабаларнинг ижодий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дидактик методларни амалда жорий қилиниши билан бирга таълим сифатини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар педагогларнинг асосий мақсад-вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги кунда турли соҳа вакилларидан ҳам чет тилларни чуқур ўзлаштиришга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса нофилологик йўналишдаги ОТМларда таҳсил олаётган мутахассисларни ўрганаётган тилларини тил соҳиблари даражасида тайёрлашни тақозо этади. Бунда чет тилларини ўқитишда талабалар нутқий фаолиятининг барча турларини бирдек ривожлантириш ниҳоятда муҳим бўлиб, бу нофилологик йўналишларда продуктив ва изланувчан ёндашувни жорий қилиш орқа-ли, инглиз тили ўқитиш машғулотларида талабаларни ижодкорлигини ривожлантирувчи интегратив топшириқларни бажариш методлари асосида ташкил қилиниши ҳамда таълим жараёнига самарали интерфаол усулларни татбиқ этилиши каби масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хорижий таълим муассасалари талабаларини самарали ўқитиш технологиялари ва техникасига тайёрлашга оид продуктив ўқитишга доир масалалари (Cambrige University); талабаларнинг мулоқотини ривожлантирадиган ижтимоий ва психологик тренинглар (Manchester University); мулоқот ва ўзаро муносабатлар самарадорлигини оширишнинг инновацион моделлари (Москва давлат университети); коммуникатив стратегиялар ёрдамида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари (Япон тили ва маданияти Кудан институти); бўлажак касб эгасининг касбий фаолиятини яхшилаш (Москва давлат педагогика университети). Ўзбекистонда эса маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида инновацион таълим шароитида ўқувчи-талабаларни самарали мулоқотга тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган (Тошкент давлат педагогика университети) [1. Б. 29].

Материал ва методлар

Чет тил ўқитиш орқали талабаларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш мумкин. Бунда ўқитувчининг вазифаси талабаларни когнитив фаолиятни фаоллаштириш учун чет тил дарсларида талабаларга қулай муҳит яратиш, маълумотларни мустақил ўрганиш ва муаммога ижодий ёндашишга ўргатиш керак. Ушбу мақсадни амалга оширишда “Бевосита зиддият” (Direct conflict) ситуатив-коммуникатив, ижодий ва интегратив машқи ҳамда “Муаммога ечим” (Problem solving) коммуникатив машқлари қўлланди. Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг продуктив ва изланувчанлик даражада ўқитишда, ижодий фикрлашини шакллантиришда интегратив топшириқларни бажариш техникасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Педагогик манбаларда келтирилишича, ижодкорлик назариясининг асосларини ишлаб чиқиш ва ушбу жараёнларининг қонуниятларини тадқиқ қилиш муаммолари психология фанида етарлича ўрганилган. Жумладан, М.Г.Ярошевский, А.Н.Леонтьев, Э.П.Торренс, Б.М.Теплов, С.Л.Рубинштейн каби бир қатор психолог олимларнинг илмий ишларида ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш ва ижодий фикрлаш муаммолари чуқур тадқиқ қилинган [2. Б. 438–452].

М.Г.Ярошевскийнинг таъкидлашича, “ижодкорлик янгилик яратишдир. Уни шундай тушуниш керакки, субъектнинг тасаввурлари янгиланади ва хулқ атвори, у яратган ва инъом этаётган маҳсулотлари ҳам яхшиланади” [3. Б. 528].

Ижодкорлик ҳақида С.Л.Рубинштейн ўз асарларида аниқ ва тушунарли баён этган. Унинг фикрича, ижодкорлик қандайдир янгилик ёки яратувчилик фаолиятидир. У ижодкор юксалиши тарихига янгилик олиб киради. Шу билан бирга, фан ва маданият тараққиёти тарихида ҳам ўз изини қолдиради [4. Б. 713].

Э.П.Торренс эса “креативлик” тушунчасини ижодкорлик билан боғлайди ва қуйидагича таърифлайди: У креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкинлигини исботлаган [5. Б. 89]. Педагогнинг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни олиб бориш орқали ижодий ёндашиш асносида намоён бўлади. Сўнгги йилларда мазкур ҳолатни “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланганлигида кўришимиз мумкин.

Профессор М.Зиновкин инглиз тилини самарали ўқитишда ИФШ-ИМЕН тизимини таклиф қилади. ИФШ - ижодий фикрлашни шакллантириш. ИМЕН – ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси. Ушбу тизимнинг мақсади талабаларда ижодкорликни шакллантиришдир [6. Б. 104].

Маълумки, талаба қизиқиш ва ҳайратни ҳис қилганда, муаммоларни ҳал қилади, қийинчиликларни енгиб чиқади, кейин эса ижодий фикрлаш босқичига ўтилади. Биз ҳам продуктив ва изланувчанлик даражада таълим беришни мақсад қилиб, нофилологик йўналиши талабаларига интегратив топшириқларни бажаришга қаратилган машқларни қўллашни тавсия қиламиз.

Ушбу интегратив топшириқларни бажаришга йўналтирилган машқларни жорий этишда қуйидаги 7 босқичга таянган ҳолда амалга оширилади:

1) *Мотивация*. Тил ўрганувчини руҳлантириш орқали қизиқувчанлигини оширишга, ўз хоҳишига кўра мавзу юзасидан қўшимча манбаларни излашга, чет тилидаги турли видеофильмларни кўришга ундайди.

2) *Таркибий қисм*. Ушбу ўқув курсининг дарс материали талабаларни танқидий фикрлашга ва ижодий қобилиятларни шакллантиришга ёрдам беради.


3) *Психологик таъсир*. Ҳиссий ўйинлар, ҳиссий чарчоқни енгиллаштирувчи турли хил машқлар, истак-хоҳишни келтириб чиқарувчи топшириқлар тил ўрганувчини чет тил ўрганишга психологик жиҳатдан тайёрлайди .

4) *Бошқотирма*. Ижодий фикрлашга ундовчи мураккаб, кўп босқичли топшириқлар ҳамда диққатни жамловчи машқлар.

5) *Интеллектуал машқ*. Мотивацияни оширишга, мантиқий фикрлаш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган.

6) *Техник ёрдам*. Техник воситалар ёрдамида иштирокчиларни ижодий фикрлашини такомиллаштирувчи ҳамкорликда бажариладиган топшириқлар.

7) *Хулоса*. Ушбу босқичда талабалар дарсдаги фаолиятига кўра ўзини ўзи баҳолайдилар. (1-расмга қаранг):



1-расм. Ижодкорликни ривожлантирувчи технологияси

Юқоридаги чизмада берилган технологиянинг элементлари инглиз тили ўқитиш дарсларида маҳсулдор ҳисобланиб, нофилологик таълим йўналиши 1 босқич талабаларини ижодий фикрлашга ҳамда тасаввурини оширишга ёрдам беради.

“Бевосита зиддият”(Direct conflict) ижодий ва интегратив машқида нутқ фаолиятининг барчаси бирдек иштирок этади ҳамда талабалар ижодкорлигини ривожлантиришга эришилади. Ушбу машқда талабаларга тинглаш учун одатий диалог эшиттирилади ва талабалар диалогни ёзиб оладилар. Ўқитувчи талабалардан реал ҳаётда инсонлар ўртасида қандай муаммоли вазиятлар ёки келишмовчиликларга дуч келиши мумкинлигини сўрайди. Сўнгра талабалар диалогни зиддиятли вазият асосида давом эттиришлари керак бўлади. Бунда талабалар жуфт бўлиб, бирга муаммоли вазият акс эттирилган диалог тузишлари ва уни ўқиб беришлари керак. Диалог шаҳар меҳмонхоналарининг бирида бўлиб ўтиши ва унда одатий муаммоли вазиятлардан бири акс этиши кузатилади. Берилган диалог асосида талабалар ўзларининг бой тасаввурларига таянган ҳолда турли вазиятларга асосланиб давом эттиришлари керак.

Dialogue

Receptionist: Hello, can I help you?
Guest: I have a reservation. My name is Timur
Receptionist: Ah, yes for two nights
Guest: That is right
Receptionist: Can I have your passport or credit card?
Guest: Sure, here you are
Receptionist: I am sorry but this is not your passport
Guest: What?!.....

Юқоридаги диалог талабаларга намуна тариқасида келтирилади ва улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга турлича жавоб берадилар. (1-жадвал)

1-жадвал


“Бевосита зиддият” (Direct conflict) ситуатив-коммуникатив, ижодий ва интегратив машқи

Teacher	Students
What kind of things might go wrong with the above-mentioned dialogue?	Credit card, the key does not work, bad smell in the hotel, dirty bathroom, inexperienced staff, insects or flies in the room, poor convenience ext...

Нофилологик таълим йўналиши талабалари ижодкорлигини такомиллаштиришда муаммони тақдим этиш усули ҳам ўз самарасини беради. Бунда ўқитувчи материални тақдим этишдан аввал турли хил манбалар ва воситалардан фойдаланган ҳолда муаммо туғдирадиган, далиллар тизимини очиб берадиган, нуқтаи назарларни ҳамда турли хил ёндашувларни таққослайдиган муаммоли ҳолатни келтириши керак. Бундай муҳитда талабалар худди илмий изланишнинг гувоҳлари ва иштирокчиларига айланишади.

Муаммоли таълим – бу биринчи навбатда “қизиқиш уйғотиш”га қаратилган технология ҳисобланади. Бунда асосан муаммоли вазиятларни яратиш, ушбу вазиятларни талабалар ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолияти давомида ҳамда ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида амалга ошириши ва ҳал қилинишидан иборат. Талабалар ўқитувчи томонидан берилган маълум бир муаммони аниқлаши ва унга самарали равишда ечим топишга уринишлари керак бўлади.

“Муаммога ечим” (Problem solving) коммуникатив машқи. Ушбу машқда ўқитувчи талабаларга муаммоли вазият ёки ҳолат ҳақида гапириб беради ҳамда улардан ўша муаммони ечимини топиш мақсадида қуйидаги мазмундаги савол билан мурожаат этади. *(Менинг машинам охирги уч ҳафта ичида уч марта таъмирга муҳтож бўлди ва охиргиси ҳар сафаргидан ҳам жиддийроқ бўлди. Бироқ янги машина сотиб олишга маблағим етарли эмас. Мен қандай йўл тутишим керак?* Талабалар эса ўртага ташланган муаммони ҳал қилиш мақсадида ўз маслаҳатларини беришлари керак бўлади. Гуруҳлар билан ишлаганларида эса жавоблар солиштирилиб, энг мақбули танланади ва гуруҳ ёрдамида ечим топилиб ғолиб гуруҳ аниқланади. (2-расмга қаранг):



2-расм. “Муаммога ечим” (Problem solving) коммуникатив машқи

Бундай коммуникатив машқларни бажариш орқали талабалар дуч келган муаммога ечим излаш, масалага ижодий ёндашиш, ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорликда ишлаш каби хислатлари такомиллашиб боради. Шунингдек, *“Муаммога ечим” (Problem solving)* коммуникатив машқи талабалар ижодий фикрлашни *(Creative Thinking)* ривожлантиришга хизмат қилади. Чунки ўқитувчи муаммони тушунтириш орқали талабаларга муаммоли вазиятни тасаввур қилишга ундайди, бу эса ёшларни келажакда инновацион ғояларни ўйлаб топишга, турли тўсиқларни енгиб ўтишга ва ўз мақсадларига эришишга замин яратади.

Чет тил ўқитиш жараёнида айрим педагогик омиллар талабаларни ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилгандир. Бунга кўра, ижодкорликни шаклланиши учта ўзаро боғлиқ бўлган йўналишларда амалга ошади: биологик, психологик ва ижтимоий.

Ижодий фикрлаш бизга янги ёки фойдали ғоялар, қарашларни олға суришга ўргатади. Аммо танқидий фикрлаш эса бизга тақдим этилган маълумот ёки муаммоларни ечишда аниқ ва мантиқий жиҳатдан ёндашишга ундайди. Чунки танқидий фикрлашга ўргатишда педагог талабаларга турли саволлар йўллаш орқали амалга оширади. Ижодий фикрлаш талабаларга тасаввур қилишни, турли фаразларни, муаммога ёки ҳолатга муносабат билдириш орқали ечим излашга ўргатади.

Маълумки, ижодкорликни ривожлантиришга доир турли мезонлар ишлаб чиқилган. Бироқ, бизнинг фикримизча, асосий мезонлар билимларни ўзлаштириш қобилиятлари; ижодий ва когнитив мустақиллик; ўзига хослик; фикрлашда мослашувчанлик бўлиши каби хислатларнинг таркиб топганлиги билан ўлчанади. Айниқса, ҳар бир талабанинг билимларни ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобга олиниши дарс самарадорлигининг асосини ташкил қилади. Маълумки, инглиз тили дарсларида кимдир ўқиганда, кимдир тинглаганда, яна баъзи бир ўрганувчилар ёзиб олганда, иккинчиси эса олган маълумотларини бошқаларга шарҳлаб берганда ахборотни яхши эслаб қолиши билан фарқланади. Шунингдек, продуктив даражада билим бериш учун талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳам инобатга олиш талаб этилади.

“Когнитив мустақиллик” тушунчаси кўплаб тадқиқотчилар томонидан “мустақил ва онгли режалаштириш, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, бу орқали ўз-ўзини тузатиш”, [7. Б. 176] деб қабул қилинади. Когнитив тушунчаси тилшуносликда *билмоқ, англамоқ, тушунмоқ* каби маъноларни жамлайди. Бизнинг фикримизча, чет тил ўқитишда талабалар билиш мустақиллиги ва фаоллигини оширишга кўмаклашувчи индивидуал коммуникатив топшириқлар, ўз камчиликларини англаб уларни вақтида бартараф этишга имкон берувчи аудитория ва аудиториядан ташқари вазифалар ижодий ва когнитив мустақиллигини активлаштиришга ёрдам беради.

Ижодкорликни ривожлантиришда ўзига хослик бу ноодатий ғоялар ўйлаб топиш хислатларнинг мавжудлигидир. Бу ўз навбатида талаба шахсида аввалига фикрлашнинг мослашувчанлиги каби кўникмалари шаклланиб, сўнг ғайриоддий, ноёб, асл етукликка етиштирадиган ғояларни кашф этиш кўникмасини ҳосил бўлиши билан амалга оширилади. Фикрлашда мослашувчанлик талабанинг турли ғояларни бир-биридан фарқлай олиш имконини беради. Бундан ташқари мослашувчанлик талабаларни атрофлича фикр юрита олишга, турли ҳаётий муаммоларга турли ечим топишга ундайди. Талабаларда мослашувчанлик қобилиятларини улар турли нуқтаи назар ва ўзгача фикр юрита олганларида, турли фикрларини солиштирганда ва уларнинг ўхшаш ва қарши томонларини топганларида ҳамда юқори марраларга эришиб, ижобий натижалар кўрсатаётганларида кузатиш мумкин. Мослашувчанликда талабалардан масаланинг негизини, асл моҳиятини идрок этишлари талаб этилади. Бу эса, ўз ўрнида, ижодкорликни ривожлантиришда мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш кераклигидан далолат беради.

Юқорида номлари келтирилган ижодкорликни ривожлантирувчи мезонларга асосланиб, талабалар ижодий қобилиятлари даражаларини аниқлаб олдик: тақлид қилувчи, мустақил репродуктив, ижодий ёки креатив. Даставвал талабанинг ижодкорлик қобилиятлари шаклланишида имитацион ўйинлар ёрдамида тақлид қилиш, турли ижодий машқлар, креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар, мутахассислигига оид муаммоли вазиятлар ҳамда сценарийлар уюштириш орқали такомиллаштириб боради.



3-чизма. Дидактик ўйин тузилмасининг схемаси

Маълумки, дидактик ўйинлар қўлланилаётган воқеа жойи, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали ўрганувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури ҳисобланади. Дидактик ўйини тузилишининг муҳим параметрлари унинг конструктив хусусиятлари бўлиб, ўйин мақсадлари, тузилиши ва мазмунининг функционал бирлигини акс эттиради. Ушбу моделда конструктив параметрлар ўйин фаолиятининг ривожланган шакли сифатида ўйиннинг хусусиятларидан келиб чиқади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: касбни эгаллаш, роль ўйнаш, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш, меҳнатни оқилона ташкил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, жамоавий ижодкорлик, фаол ишлайдиган жамоани яратиш, ҳайратланиш, ҳиссийлик, билим етишмаслиги каби камчиликларидан хабардорлик, амалий билим ва кўникмаларни эгаллаш, етакчилик, мулоқот, ролларни бажариш ва бошқалар киради.

Кейинги босқичда эса талабаларда мустақил репродуктив қобилиятлар ривожланиб, бунда билимларни юқори даражада ўзлаштириш фаолияти кузатилади. Репродуктив методлар асосан ўқув жараёнида мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижага эришилади. Ҳар қандай репродуктив фаолият даражаси ижодкорлик элементларини, ижодий фаолият эса репродуктивликни ўз ичига олади, бу иккиси ажралмас қисмлардир. Репродуктив даражада билимларни эгаллаш учун талаба юқори лаёқатга эга бўлиши, етарлича кўникма ва малакаларни эгаллаши талаб этилса, ижодий-креатив даражага эришишда эса билим, кўникма ва малакаларни бетакрор бўлиши билан ифодаланади.

Ижодий ёки креатив кўникмаларни ривожлантириш мақсадида педагог дарс машғулотларининг анъанавий тарзда олиб боришдан қисман воз кечиши, талабаларнинг танқидий фикр юритиши, креатив даражада тафаккур қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ижодий ёндашиш, янги ғояларни ўйлаб топиш, ноодатий фикрлашга ундовчи креатив тафаккурни пайдо қилиш, уларни мушоҳада юритишга қаратилган интерфаоллик ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда

маҳсулдор бўлган метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, чет тил ўқитиш дарсларида талабаларнинг шахсий, ижодий, изланувчанлик қобилиятларини ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими ёки қизиқарли бошқотирмалар ҳам самарали ҳисобланади. Ушбу мақсадларда продуктив даражада дарсларни ташкил қилишимиз учун ўқув материали мазмунини слайдлар ёрдамида намойиш этиш, дарсларда проектор қўлланилишини таъминлаш, мавзуга оид аудио ёки видео материалларни қўллаш, талабаларга ҳам топшириқларни тақдимот орқали баён қилишга ўргатиш, компьютер саводхонлигидан фойдаланиш каби техник-технологик воситаларни татбиқ этиш ҳам ижобий натижа беради. Шунингдек, нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижодкорлигини ривожлантиришда интегратив топшириқларни амалда бажаришлари учун ақлий ҳужум услубига асосланган синектика методини қўллашни тавсия этамиз.

Синектика (юнон. “турли хил элементларнинг комбинацияси”) – жамоавий интеллектуал фаолиятнинг ижтимоий-психологик мотивациясига асосланган ижодкорлик усули. Бу метод XX аср ўрталари 1960 йилда америкалик тадқиқотчи Уилиам Гордон томонидан кашф қилинган. Синектика методи ақлий ҳужум услубига асосланган ва эвристик усуллардан ҳисобланади. Бу метод таълим олувчиларга ҳамкорликда ижодий фаолият олиб боришга, муаммоли вазиятни ифодалашга, турли хил характердаги топшириқларга ечим топишда бир бирига мос келмайдиган элементларнинг комбинациясидан фойдаланишга, интуитив, мажозий ва метафорик жиҳатдан фикрлашга ёрдам беради ва улар қуйидаги шаклда намоён бўлади: бевосита (маълум бир вазифанинг ечилишига ўхшатиб ечилади), шахсий (объектдаги берилган вазифа образига киришга уриниб кўриш ва шу нуқтаи назардан фикрлашга ҳаракат қилиш), рамзий (қисқа жумлалар ёрдамида вазифанинг образли моҳиятини очиб бериш), хаёлий (фантастик мазмун ва тузилишга эга бўлган вазифани ечадилар). Бу билан бўлғуси мутахассисларда конкретлаштириш малакаси, муҳокама мазмунидан ўзини фикран олиб қочиш, ақл юритиш қобилияти, хаёлот, баҳс юрита олишлик, бошқалар фикрини тинглаш, масалани ўхшаш томонлари (аналогиялар)дан унумли фойдаланиш каби синектик фикрлашга бўлган қобилият шаклланади. Бу метод асосан амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларида кенг қўлланилади. Бунда талаба дарсда қўйилган муаммони ҳал қилиш юзасидан ўхшашликларга асосланган ҳолда ўз фикрларини, қарашларини олға суради. Бундаги ўхшашликлар бевосита, шахсий, рамзий ва хаёлий бўлиши мумкин.

“Ижодий ечим” (Creative solution) коммуникатив машқида талабаларга 6 хил мавзудаги бири бирига ўхшамаган расмлар слайдлар ёрдамида кўрсатилади. Бунда 1) қуёшнинг чиқиши ва ботиши; 2) уй ҳайвонлари; 3) таом ва ичимлик; 4) кўл атрофидаги тоғлар; 5) уйқудаги инсон; 6) спорт турлари; каби мавзуларни ифода этувчи суръатлар акс эттирилади. Сўнгра ўқитувчи ушбу расмларни мавзуга алоқадор томонларини очиб беришларини сўрайди. Талабалар эса расмлардан биттасини танлаши ва кичик гуруҳлар ичида уни муҳокама қилишлари керак. Жумладан, “Саломатлик” (Health) мавзуси юзасидан қуйидагича савол берилади: *Қайси суръатдаги ҳолат сизнинг соғлиғингизга ижобий таъсир кўрсатади?*. Бунда талабалар саломатликнинг барча жиҳатларини ифода қилишлари керак бўлади. Хусусан, ҳиссий, руҳий, ижтимоий, жисмоний томонларини ҳам ҳисобга олишлари аҳамиятлидир. Муҳокама сўнгида ҳар бир гуруҳ сардори умумий фикрларни қуйидагича баён этади (2-жадвалга қаранг):



2-жадвал

Синектика методига асосланган “Ижодий ечим” (Creative solution) машқи

Sunrise and sunset	improves sleep, reduces stress, maintains strong bones, fights off depression, can give longer life, strengthens the immune system, creates hormone
Pets	reduce stress, anxiety, and depression, ease loneliness, encourage exercise and playfulness, and help to improve cardiovascular health
Sport	• helps manage weight, reduced blood pressure, enhanced aerobic fitness, improved joint flexibility and range of motion, and stress relief.
Mountain and lake	mountains and lakes inspire more physical activity, increase dopamine and serotonin, and improve your mood, good for mental health, mountain might lead to lower risks of heart disease.

Food and drink	The energy you need to keep active throughout the day, the nutrients you need for growth and repair, help you to stay strong and healthy, and help to prevent diet-related illnesses, such as some cancers.
Sleep	stronger of the immune system, great memory, improved focus or concentration, reduce negative thinking, increases melatonin

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, нофилологик ОТМларида таҳсил олаётган ижтимоий гуманитар йўналиши талабаларининг ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришда интегратив топшириқларни бажаришларга қаратилган машқ ва топшириқларни қўллаш орқали амалга оширилди. Хусусан, *“Бевосита зиддият” (Direct conflict)* ситуатив-коммуникатив, ижодий ва интегратив машқи ҳамда *“Муаммога ечим” (Problem solving)* ижодий фикрлашни ривожлантирувчи *(Creative Thinking)* коммуникатив машқлари қўлланди. Бундан ташқари, самарадорликни оширишда синектика методига асосланган *“Ижодий ечим” (Creative solution)* коммуникатив машқидан фойдаланилди. Бундай методлар талабаларнинг продуктив ҳамда изланувчанлик қобилиятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. *Нурманов А.Т.* Талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг педагогик имкониятлари (аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида): Автореф... дисс. ...пед.фан. докт. − Тошкент, 2017. − 37 б.
2. *Выготский Л.С*. Избранные психологические исследования. – Москва, Издательство АПН РСФСР, 1956. − 650 с.
3. *Леонтьев А.Н.* Деятельность. Сознание. Личность. – Москва: Политиздат, 1975. – 370 с.
4. *Теплов Б.М.* Труды по психофизиологии индивидуальных различий. – Москва: Издательство МПСИ; Воронеж: МОДЭК, 2004. – 500 с.
5. *Петровский А.В., Ярошевский М.Г.* Основы теоретической психологии. − Москва-Воронеж: Научно-издательский центр ИНФРА-М, 1998. – 550 с.
6. *Рубинштейн С.Л*. Основы общей психологии. – Санкт-Петербург: Питер, 2006. – 733 с.
7. *Ильин Е.П.* Психология творчества, креативности, одаренности. – Санкт-Петербург: Питер, 2009. – 448 с.
8. *Гин А.А.* Приемы педагогической техники: пособие для учителя. − Москва: Вита-пресс, 2004. − 240 с.
9. *Нестренко А.А., Ширявёв В.А.* ТРИЗ-педагогика / В кн.: Межвузовский сборник научных трудов. – Саратов, 2007. – С. 71–75.
10. *Давыдова М.А.* Деятельностная методика обучения иностранным языкам. – Москва: Высшая школа, 1990. – 180 с.
11. *Жинкин Н.И., Некрасова Ю.Б., Лейтес Н.С.* Механизмы речи. Выдающиеся ученые психологического института. – Москва: ПИ РАО, РШБА, 2021. – 400 с.

INTEGRATIVE TASKS THAT DEVELOP THE CREATIVITY OF STUDENTS IN THE DIRECTION OF NON-PHILOLOGICAL EDUCATION

(On the example of the socio-humanitarian direction)

U.S.Nizamova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 6(66). 78-88.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: integrative, FCT-TIPS, synectics, situational and communicative, cognitive independence.

The article considers applying integrative tasks (inventive tasks, the method of synectics, situational and communicative exercises) that develop students' creativity in non-philological education. In addition, the situ-

ational-communicative, problematic situation, the use of exercises, pedagogical factors that increase creativity, criteria, as well as a didactic game model based on these criteria are indicated in the educational process.

Teaching a foreign language makes it possible to form students' creative abilities. In this case, the teacher's task is to create a comfortable environment for students in foreign language lessons to activate cognitive activity, independently study information and teach a creative approach to the problem. In the implementation of this goal, the situational-communicative, creative and integrative exercise **"Direct conflict"**, as well as the communicative exercise **"Problem-solving"** were used. With the help of such communicative exercises, students will be able to look for solutions to the problem they are facing and improve their qualities, such as a creative approach to the issue, mutual exchange of ideas, and work in cooperation.

In the process of teaching a foreign language, some pedagogical factors are aimed at developing students ' creativity skills. Students develop independent reproductive abilities, in which the activity of mastering knowledge at a high level is observed. Also, with the help of reproductive techniques, students can remember the educational material faster and more firmly, and more easily realize the shortcomings in obtaining knowledge. Effective results are achieved when reproductive techniques are mainly complex in the learning process and new knowledge should be studied.

The author's reproduction activity includes elements of creativity, and creative activity includes reproducibility, these two are integral parts. At the reproductive level, having a high capacity to assimilate knowledge is expressed in the fact that it is carried out with the acquisition of the appropriate skills and abilities, and at the creative-creative level, knowledge, skills, and abilities are unique. In the development of creative skills, it is advisable for the teacher to abandon the traditional organization of lesson classes, to form and develop critical, creative thinking in students, to use methods and techniques that are productive in developing interactive and creative thinking skills aimed at developing creative thinking, motivating them to come up with new ideas, an unusual approach.

In conclusion, the author carried out the formation of FCT- (formation of creative thinking), TIPS – (theory of inventive problem solving), and tasks aimed at increasing cognitive independence and activity in order for students of the direction of nofilological education to perform integrative tasks in the development of their creativity. Such techniques contribute to the improvement of students ' productive and investigative abilities.

References:

1. Nurmanov, A.T. (2017). *Talabalarni samarali muloqot texnologiyasi va texnikasiga tayorlashning pedagogik imkoniyatlari* [Pedagogical possibilities of preparing students for the technology and technique of effective communication]. Abstract of the dissertation for Doctor of pedagogical Sciences.Tashkent.

2. Vygotskij, L.S. (1956) *Izbrannye psihologicheskie issledovaniya* [Selected psychological studies]. Moscow: Izdatelstvo APN RSFSR.

3. Leont'ev, A.N. (1975) *Deyatelnost. Soznanie. Lichnost* [Activity. Conscience. Personality]. Moscow: Politizdat.

4. Teplov, B.M. (2004) *Trudy po psihofiziologii individualnyh razlichij* [Works on the psychophysiology of individual differences]. Moscow: Izdatelstvo MPSI; Voronezh: MODEK.

5. Petrovskij, A.V., Yaroshevskij, M.G. (1998) *Osnovy teoreticheskoj psihologii* [Fundamentals of theoretical psychology]. Moskva-Voronezh: Nauchno-izdatel'skij centr INFRA.

6. Rubinshtejn, S.L. (2006) *Osnovy obshchej psihologii* [Fundamentals of general psychology]. Sankt-Peterburg: Piter.

7. Il'in, E.P. (2009) *Psihologiya tvorchestva, kreativnosti, odarennosti* [Psychology of creativity, creativity, giftedness]. Sankt-Peterburg: Piter.

8. Gin, A.A. (2004) *Priemy pedagogicheskoj tekhniki* [Methods of pedagogical technique: a manual for teachers]. Moscow: Vita-press.

9. Nestrenko, A.A., Shiryavyov V.A. (2007) TRIZ-pedagogika [TRIZ-pedagogy]. In: *Mezhvuzovskij sbornik nauchnyh tudov* [Interuniversity collection of scientific institutes]. Saratov. Pp. 71-75.

10. Davydova, M.A. (1990) *Deyatel'nostnaya metodika obucheniya inostrannym yazykam* [Activity-based methods of teaching foreign languages]. Moskva: Vysshaya shkola.

11. Zhinkin, N.I., Nekrasova, Yu.B., Lejtes, N.S. (2021) *Mekhanizmy rechi. Vydayushchiesya uchenye psihologicheskogo instituta* [Outstanding scientists of the Psychological Institute]. Moscow: PI RAO, RSHBA.

Муаллиф ҳақида маълумот:

НИЗАМОВА Умида Санджаровна - Андижон давлат университети, Факультетлараро чет тиллар кафедраси докторанти. E-mail: umidanizamova18@grail.com